



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 26-iyun № 25 (458)

Sotuvda narxi erkin

Мустақиллик мевалари



“Ўзмаком” Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг уяли алоқа телефон хизматидан мижозлар мамнун.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Почта алоқаси хизмати аҳоли учун энг оддий ва қулай алоқа турларидан бири саналади. Ҳозирги пайтда почта хизматининг қўмағисиз арзон ва оддий алоқа хизматини тасаввур этиш қийин. Демак, нафақат мамлакатимиз аҳолисига, балки хориқдаги мижозларга ҳам замонавий, тезкор, сифат жиҳатидан талабга жавоб бера оладиган ва жаҳон андозалари даражасидаги почта хизмати кўрсатилишига эришиш лозим. Бу вазифа соҳанинг энг долзарб ва муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Республикадаги почта алоқаси корхоналарида ёзма хат-хабарларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ҳамда тарифларнинг қўлланилишини ўрганиш мақсадига жорий йилнинг март ойида Давлат алоқа инспекцияси томонидан “Халқаро почта” акциядорлик жамиятида текшириш ишлари олиб борилган эди. Шу жараёнда маълум бўлдики, баъзи почта алоқаси корхоналарида (“Фарғона почтаси” АЖга қарашли Беговат алоқа бўлимида, “Андижон почтаси” АЖ Андижон шаҳар ва “Сурхондарё почтаси” АЖ Денов шаҳар почта алмасуви бўлимида) ҳанузгача собиқ Иттифоқнинг тақвим муҳрларидан фойдаланилаётган экан.

Почта жўнатмаларини қабул қилишда ҳам тарифлар нотўғри қўлланилмоқда, яъни ёзма хат-хабарларни юборишда марказлар тарифлари белгиланган миқдордан кам ёки ошқича ёпиштирилмоқда. Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари

ва Қорақалпоғистон Республикаси почта алоқаси корхоналарида шундай камчиликларга йўл қўйилган. Бундан ташқари, хатжилдлар сифати талабларга жавоб бермайди, улар нуқсонли ҳолатда ва елим излари билан жўнатишмоқда. Аниқланган бундай камчиликлар бўйича маълумот тегишли жойларга юборилган эди. Лекин Давлат алоқа инспекцияси томонидан почта алоқаси корхоналарида ҳозирги пайтда ўтказилаётган текширишлар юқорида қайд

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

этилган камчиликларга такрор йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Масалан, “Бухоро почтаси” АЖ Бухоро шаҳар ва “Сурхондарё почтаси” АЖ Термиз шаҳар филиалларида почта жўнатмаларини юбориш учун белгиланган тарифидан ошқича ҳақ олинганлиги аниқланди.

Истеъмолчилар шу кунга қадар республикамызда хатжилдларнинг аниқ стандартлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли оддий хатлар жўнатиш учун қўлда, сифатсиз қоғозлардан ясалган, ўлчамлари ҳар хил бўлган хатжилдларни сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, Давлат алоқа инспекцияси ходимлари жорий йилнинг 21 май кунини Тошкент шаҳридаги Бош почтаamt ёнида жойлашган “Матбуот тарқатувчи” газета дўконига, Янгйобод дехқон бозорига ва “Ўзбекистон маркази” АЖ ёнида жойлашган “Канцелярия моллари” дўконига талабга жавоб бермайдиган хатжилдлар сотувга чиқа-

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

“Хабар” газетаси жари куни билан самимий моаси жамоатчи мухбир-муборакбод этади. Ҳамларимиз, барча ҳамкасб-мангизга ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлик тилаймиз.

АВТОМОБИЛ КАЛИТЛАРИ

ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги мажлислар залида Давлат алоқа инспекциясининг вилоятлардаги ҳудудий таркибий бўлинмаларига янги “Тико” русумли хизмат автомобиллари калитлари топширилди. Агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев Давлат алоқа инспекциясининг фаолияти ҳақида тўхталиб, инспекция

бўлинмаларининг иш шариоитлари яхшиланганлиги ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишда ва хизмат самарадорлигини оширишда қўл келиши мумкинлигини таъкидлади ва уларнинг масъулиятли ишларида янги зафарлар тилади.

Йигилишда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи М. Рус-тамова, ДАИ бошлиғи ўринбо-

сари Р. Муҳамедова, Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ бошлиғи М. Таипова, Наманган вилояти ДАИ бошлиғи Ш. Тоштемиров ва бошқалар сўзга чиқишиб, кўрсатилган амалий ёрдам учун агентлик раҳбариятига миннатдорчилик билдирдилар.

Жамоатчи мухбиримиз

рилганлигини аниқлашди.

Бу далиллар Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”-ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган

ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган “Реклама жойлаштириш ҳақидаги Низом”нинг талаблари бузилаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунига биноан ёзма хат-хабарларни қабул қилиш, жўнатиш ва уларга ишлов бериш почта алоқаси хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг ягона, универсал хизмати ҳисоблансада, улар бундай хизмат турларини талаб даражасида амалга ошириш бора-сида сусткашликка йўл қўйётганликлари аён бўлмоқда.

Умид қиламизки, почта алоқаси корхоналари раҳбарлари юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонлардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар.

А. МАННАПОВА,

Давлат алоқа инспекцияси почта алоқаси бўлими бошлиғи

• Танқиддан сўнг

КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

“Хабар” газетасининг 2001 йил, 1 июн, 22 сонидида чоп этилган “Текширишларда аён бўлди” сарлавҳали мақола “Андижон Телеком” АЖда ўрганиб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар бўйича корхона бўлимида буйруқлар чиқарилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо чоралари кўрилди ҳамда камчиликларни бартараф қилиш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилди.

Балиқчи бўлимида ўрнатилган КСҲ-2М қурилмаси таъмирланиб, магистрал кабеллар қуруқ ҳаво босими назорати остига қўйилди, ҳозирда олти магистрал кабел 0,04 л/мин ҳаво босими остидадир.

Асака бўлимидаги ҳаво босими мейсэрий миқдордан юқори бўлган саккизта магистрал кабеллардан иккита мейсэрига келтирилди, қолганларини ҳам йил охиригача мейсэрига келтириш белгиланди. Бундан

ташқари ҳудди шу бўлимда сигнализация уланмаган ўн тўққизта тарқатиш жавонидан еттигача сигнализация назоратига қўйилди, қолганлари ҳам йил охиригача назоратга олинди.

Балиқчи бўлимидаги мавжуд тарқатиш жавонлари сигнализация назоратига қўйилди ва қўлфлаб берилди.

Махсус тузилган тadbирларга асосан корхонада шахарлараро ва магистрал кабелларни қўриқлаш, оғоҳлантирувчи устунчалар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда, шу билан бирга барча бўлимлар раҳбарлари ва кабел трассаларида иш олиб бораётган қурувчиларга махсус оғоҳлантирувчи хатлар тарқатилмоқда.

А. ҚОДИРОВ,
“Андижон Телеком” АЖ
бош директори

ТАЛАБАЛАР МИРИҚИШАИ

Тошкент алоқа коллежида таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда бўлиб ўтган шундай учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, кулги устаси Ҳожибой Тожибоев ўзининг ичак узар ҳангомалари билан талабаларни гўятда мамнун этди. “Аср” гуруҳи ўз қўшиқлари билан даврага янада хушайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Мустақиллик йиллари юртимизда алоқа тизими кескин ривожланди. Шу қисқа даврда жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари илгор тажри-

дорлиги ҳам анча яхшиланди. Ҳозир алоқачиларимизнинг ўртача ойлик маоши 23,300 сўмни ташкил этапти. Ўтган уч ой мобайнида корхонамиз 5043,0 минг сўм даромад қилди.

Филиалимизда барча юмушлар аъло даражада, муаммолар йўқ де-

паратларини ҳеч бир сабабсиз узиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб турибди.

Шунингдек, айрим мижозлар арзимаган мавзудаги суҳбат туфайли сўзлашув линияларини соатлаб банд қилиб туришди. Энг ёмон, телефон тўловларидан сабабсиз бош тортишди.

Ўтган йили дебиторлик қарзларимиз 1880,4 минг сўмни ташкил этди. Балки, бу



сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги хайрли ишларида зафарлар тилайди.

МИЖОЗЛАРИМИЗ ЕТТИ МИНГГА ЕТАДИ

Сурхондарёда аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш борасида хитойликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорликдан қўзланган мақсад хусусида "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонаси радиолоқа филиали раҳбари Жамолдин ИСКАНДАРОВ шундай деди:

— Хитойликлар билан ҳамкорлигимиз ўтган йилнинг сўнгги кунларида бошланган эди. Хитойлик мутахассисларнинг ҳам биз билан баб-баробар меҳнат қилиши натижасида хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар тез ва сиз монтаж қилиниб, саксон икки миллион сўмлик иш бажарилди. Энг муҳими, алоқа хизматининг янги тури синовдан муваффақиятли ўтди. Жарқўрғон туманининг Субка мавзеси ва Денов шаҳрида симсиз алоқа станцияси ишлаб бошлади. У ерда ҳозирча 350 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳозирги кунда буюртмачилар якка тартибда ва турух бўлиб му-рожаат этишмоқда. Жумладан, ви-

лоят ички ишлар бошқармаси чегара қўшилари бўлиналари бир йўла ўн-ўн бештадан шартнома қозғоларини тўлдиришди. Шунингдек, Бойсун, Олтинсой ва Саринсий каби тоғли туманларнинг хўжаликлари ҳам филиалимизга мижоз бўлиш истagini билдиришган. Ҳозир биздаги мобил алоқаси хизматидан машиналарга ўрнатилган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай алоқа воситаси божхона ходимларининг ҳам мушкултини осон қилади. Симсиз алоқа воситасини ўрнатиш нархи 182 минг 210 сўм. Шундан сўнг буюртмачи ҳар 330 минут учун 11 минг 60 сўмдан хизмат ҳақи тўлаб боради.

Келажакда хитойликлар билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда мижозларимиз сонини етти минг нафарга етказишни мўлжаллаганимиз. Яқин вақт ичида учинчи станциямиз Бойсун туманида қурилади.

Портожи Ғаффор
ўли ёзиб олди,
жамоатчи муҳбиримиз

АЛОҚАЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Фарғона вилоят алоқачилари ўртасида "Оналар ва болалар йили"га бағишлаб спортнинг саккиз тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақа якунига кўра умумий ҳисобда "Фарғона Телеком" АЖ Фарғона шаҳар филиали биринчи, Қўқон шаҳар филиали иккинчи ва "Фарғона почтаси" АЖ Марғилон филиали учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Спорт мусобақалари билан биргаликда "Балли қизлар!" кўрик танлови ҳам бўлиб, унда саккиз нафар қизларнинг қизиқарли беллашуви қатнашчиларга яхши таасурот қолдирди. Мусобақа сўнггида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

М. ФОЗИЛОВА,
Фарғона вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" АЖ Булоқбоши филиали жамоаси корхона телефончиси Мамлакат Жўраевани туғилган кун билан чин дилдан табриқлайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат, ишларида ривож тилаб қолади.

"ХАВАР" газетаси жамоаси тахририят ходими Нурбек ТОШНИЁЗОВни туғилган кун билан самимий муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт ва ижодий ишларида зафарлар доимо ҳамроҳ бўлишини тилайди.

"Самарқанд Телеком" шўъба корхонаси Пахтачи филиали директори **Е. ХОЛМУМИНОВ** муҳбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни маълум қилди.

ЭП ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

баларини ўзлаштирдик. Натижада кўплаб алоқа бинолари таъмирланди, уяли алоқа тизими ҳам кенг йўлга қўйилди. Бу ўсиш-ўзгариш жараёни биргина бизнинг Пахтачи туманимизда ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳозир филиалимизда битта шаҳар, тўққизта қишлоқ АТСлари аҳолига хизмат кўрсатиб келаётди. Учта шаҳарларро ва халқаро сўзлашув пунктлари ишлаб турибди.

Тизимимиздаги ислохотлар боис йилдан-йилга муваффақиятларга эришмоқдамиз. Ўтган йили аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 5903,0 минг сўм қилиб белгиланганди. Биз уни 6080,4 минг сўм қилиб адо этдик. Йиллик соф фойда эса 2328,4 минг сўмни ташкил этди. Натижада корхонамиздаги ходимларнинг моддий манфаат-

моқчи эмасман. Ҳали олдимизда қилиниши керак бўлган кўпдан-кўп долзарб юмушлар турибди.

Биринчидан, бугунги кунда аҳолининг алоқа хизматига бўлган талабини тўлиқ қондира олаётганимиз йўқ. Шунингдек, корхонамиздаги кўплаб алоқа воситаларини, алоқа қурilmаларини замонавий ускуналар билан алмаштириш лозим. Энг муҳими – жойларда тезкор ва сифатли алоқани доимий таъминлаш зарур. Айни чоғда халқимиз ҳам алоқачилар хизматини, алоқа воситаларининг ўзини қадрлашга ўрганишса яхши бўларди. Афсуски, айрим ҳолларда бунинг акси бўляпти. Ачинарлиси шуки, туманимизда алоқа симларини ўғрилаб кетиш бот-бот учрамоқда. Кўча телефон ап-

борида бизнинг ҳам камчиликларимиз бордир. Эҳтимол, мижозлар билан муомалада тadbиркорлик етишмаётгандир, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатолмаётгандирмиз. Аммо халқимиз бировдан қарз бўлиб юришни ҳеч қачон хуш кўрмаган. Қарздорларимиз ҳеч бўлмаса ана шу ҳақда чуқур ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, алоқачилар зиммасига ўта масъулиятли вазифа юкланган, буни ходимларимиз ҳамиша ҳис қилишди ва юртимиз раънақи йўлида бор имкониятларини аяшмай меҳнат қилишди.

Зебо ХУДОЁЕВА
ёзиб олди



"Қашқадарё почтаси" акциядорлик жамияти Қарши шаҳар марказий почта бўлими ходими **Сабоҳат САИДОВА** 20 йилдан буён шарафли алоқачилик касбини ардоқлаб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

БОЛАЖОНЛАР ҚЎВОНЧИ

"Бухоро Телеком" акциядорлик жамиятига қарашли "Ёш алоқачи" болалар оромгоҳида бу йил 360 нафар болажонларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Оромгоҳда тажрибали мурabбийлар жалб қилинган. Бу ерда бир-биридан қизиқарли ва мароқли тadbирлар, яъни "Биз истеъдодларни излаймиз", "Эрталар яхшилиққа stackлар", "Оромгоҳ маликаси", "Миллий рақс" кўрик танловлари, болаларга аталган фильмлар намойиши, турли спорт мусобақалари ва мусиқа кечаларини ўтказиш режалаштирилган.

Оромгоҳнинг дастлабки – биринчи босқичи очилишига бағишлаб ўтказилган тантана бўлажак тadbирларнинг дебчаси бўлди. Унда "Бухоро Те-

леком" АЖ бош директори Ш. Худойбердиев, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитасининг раиси У. Фахриддинова ва бошқалар болажонларни ёзи дам олиш масъуми бошлангичи муносабати билан табриқладилар. Ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишишларига тилаклар билдиришди.

Тулхан атрофидаги қуй-қўшиқ ва рақслар алма-маҳалгача давом этди. "Умид" театр студияси иж-рочи ёшлари ва шўх болакайларнинг қизиқарли сахна кўринишлари-ю ҳазил мутуйибалари барча-га бирдек хушнудлик бахш этди.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

С COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

Республикада мустақилликка эришгандан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди, жумладан диний ҳаётимизда ҳам.

Шундай шароитда аҳли дин, Аллоҳга шукроналар айтиб, Ислом дини таълимотига кўра, фарзандларимизнинг билим савияси, касб-ҳунари билан бирга ахлоқий фазилатларининг шаклланишига

ва ҳар томонлама ибрат бўлмоқчиликларимиз лозим.

Аллоҳ таоло бандаларига марҳамат қилиб, шундай дейди: "Эй мўминлар! Уларнинг ва аҳлу-аёлиларининг ота-бобо-дўзахдан сақлангиз!" (Таҳрим сураси, 6-оят).

Бу билан Аллоҳ таоло сизу бизларни огоҳлантиради. Фарзандларимизни фақат моддий жиҳатдан таъминлаш билан қифоялан-

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА БУРЧЛИМИЗ

аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлоднинг таълим тарбияси ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни инсоф ва дину диёнатли, имон-этиқодли қилиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзанди келажакда баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Ҳамма ота-оналар ҳам фарзандлари ҳаётда ўз ўринларини топиб, она-Ватанга солиқ, элу-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишга тайёр, ор-номусли, виждонли инсонлар бўлиб етишиб, ўз волидан меҳрибонларига раҳмат эшиттиришларини истайди.

Аммо, айрим ота-оналар турмуш икки-чакрларига ўралишиб қолиб, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор бермайди. Бунинг оқибати эса нолиш, афсусланишга олиб келади. Аслида шаръий никоҳ асосида оила қуриб, мушкулчилик руҳида яшар эканмиз, тез-тез ўзимизга ҳисоб бериб туришимиз керак.

Юртбошимиз Ислом Каримов 2000 йилни "Соғлом авлод йили", жорий йилни эса "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилишлари, дин аҳдлари қалбларида ҳам бағоят мамнунлик ҳис-туйғуларини уйғотди.

Маълумки, оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжihat, турт обод бўлади.

Ҳаёт асоси — инсоний фазилатлар оилада шаклланади. Ҳар бир фарзанд илк ҳаёт сабоқларини ота-онадан, маҳалладошлардан олади. Шунинг учун оила — жамият таянчидир.

Инсон оила қураётган экан, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини давом эттиради. Оилада ота-онанинг бир-бирига салоқати ва тутган ўрни фарзандлар тарбиясида ҳаёт мактаби бўлади. Демак, улар фарзандлари учун ўрнат

масдан, уларнинг бу дунёда ва охидаги ҳаётини баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида жидду жаҳд ила ҳаракат қилмоғимиз лозим бўлади.

Барчага маълумки, илми кишилар доимо эл орасида ҳурматга лойиқ бўлиб, алоҳида эътибор-ғамга эришади. Чунки илм кишиларни бу дунёда иззат-ҳурматга бўлишларига ва охирада эса улугъ шарофатга эришишларига сабабчи бўлади.

"Ёшликда олинган билим гўё тошга ўйилган нақш қабидир" — деган нақд бор. Шундай экан, илм олишга ёшликдан ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир киши ёшлик даврини жуда ғанимат билиб, келажакда ўзи ва эл-улус манфаати, бахт-саодати йўлида фойда берадиган билимини олишга интилоғи лозим.

Бу борада Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: "... Илм саҳрода — дўст, ҳаёт чорраҳаларида — таянч, ёлғиз дамларда — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, қай-гули онларда — маддакор, одамлар орасида — зебу-зийнат, душманларга қарши қурашда — қуролдир", — деганлар.

Алҳамдулиллоҳ, диёримиздаги меҳнатсевар халқлар, турли миллат ва элат вакиллари ўзаро дўст-биродарликда тинч-тотув ҳаёт кечириб, жамиятимиз равақи ва тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ватан тараққиёти ва халқ бахт-саодати йўлида ёшларимиз ва азиз юртдошларимизнинг ақл-идроқи, юксак ироласи, сабр-тоқати ва ватанпарварлигига таянамиз, албатта.

Аллоҳ таоло элимизга мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, тавфиқ руҳида ҳидоят ато этсин!

Ҳожи Абдуразақ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг ўринбосари



Амир Темур мақбараси.

• Биласизми?

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ИБОРА

"Шахмат бўйича жаҳон чемпиони" деган бу унвон расмий равишда тасдиқ этилишдан анча олдин, 1859 йилда пайдо бўлган. XVIII асрда дунёга донги кетган америкалик машҳур шахматчи Пол Морфи Европада қилган тантанали сафарини тугатди. Дунёнинг ҳамма энг яхши шахматчилари улугъ истеъод эгасидан мағлуб бўлдилар. Ана ўша йилларда Англияда Морфи шарофига уюштирилган хайрлашув зиёфатидан сўнг ватанига қайтиб келганида

илк бор Нью-Йорк ва Бостондаги табрик маросимларида биринчи бор "Жаҳон шахмат чемпиони" деган ибора тилга олинди. Кембриж университетидан ўтказилган ана шу тантанали маросимда "Гаявата ҳақида қўшиқ" муаллифи Генри Лонгфелло қатнашган. Шуниси ажабланишлик, ёрқин истеъоди билан бошланғоч жамоатчилик ҳурмати қозongan Морфи орадан кўп вақт ўтмай шахматдан ҳафсаласи пир бўлиб ва мутлақо ўйнамай қўйди.

АРПАБОДИЁН

... Арпабодиён, айниқса унинг елими кўзни ўткир қилади, ҳамда кўзга сув тушиш (яъни катаракта)нинг бошланиши олдидан ва энди бошланган вақтда фойда қилади.

... Агар уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айнишидан халос этади, аммо секин ҳазм бўлади ва озиқлиги ёмон.

... Арпабодиён сийдик ва ҳайз қонини юриштиради, ёввойи тошни майдалайди, бўйрак ва қовуққа фойда қилади.

... уруғини илдири билан қўшиб ейилса, ичми юрталди.

... у чўзма иситмаларга фойдали, уни совуқ сув билан ичрилганда иситма вақтидаги кўнгил айниши ва иситмадан келиб чиққан меъда қизишига фойда қилади.

ИСПАН МАҚОЛЛАРИ

- * Нолонга сўз уқтирмак дашту биёбонда фарёд қилмоқ билан баробардир.
- * Саховатсиз бой мумкик гадо билан тенгдир.
- * Дунёда икки йўл билан давлату иззатга етишмоқ мумкин:
1. Илм майдони.
2. Жанг майдони.
- * Соф виждон — улугъ баҳодир.
- * Аҳмоққа маслаҳат бермоқ суғни ўтиришга туймоқ билан тенгдир.
- * Рост сўздан кишилар зиён кўрмайдилар.
- * Ҳам каттадан, ҳам кичикдан маслаҳат ол, вале ўз ақлинг билан иш юрт.
- * Нокасларга яхшилик қилмоқ галвирда сув тушашга ўхшайди.

ЎЗИЧА ҚИМИРЛАЙДИГАН МҲҲҲҲ

Ҳожибой автобусда кетаётган эди. Қаршида барзангидек эри билан ўтирган хушрўйгина жувон унга тикилиб қолди. Қизикчининг шўхлиги тутиб, мўйловининг бир учини аста қимирлатиб қўйди. Жувон жавоб қилди, Ҳожибой мўйловининг иккинчи учини қимирлатди. Бироқ бу сафар жувоннинг эри пайкаб қилиб, шашт билан ўрнидан турди.

— Ҳов, тиранча, нега ҳадеб хотинимга қараб мўйловининг қимирлатайсан? Янчиб ташлайми ҳозир!

— Ие, ие, кечирасиз ака, — саросимага тушиб қизикчи. — Мўйловим ўзи шунақа, баъзи-баъзида қимирлаб қолади.

— Хали шунақами, ўзича қимирлаб қолади дегин, — кўзи-

нинг пахтаси чикди эрининг. — Қани менгайм бир қимирласин-чи!

— Ке-кечирасиз ака, эркакларга...

... қимирламайди.

Барзани Ҳожибойнинг ёқасидан олди. Тўполон авжга чиқди. Жувон шунда абжирлик қилиб эрини Ҳожибойдан ажратиб олди.

— Вой, бу йилг ахир ўзимизнинг қизикчи Ҳоживой Тоживойку. Ҳазиллашиб қимирлатса қимирлатиб қўйилти-да энди!

Ҳожибойнинг номини эшитган барзани ҳовридан тушди. Содаллик билан нима деди дег:

— Кечирасиз... Мен сизни танимай, ростаманга қимирлятти, деб уйлабман...

• Кулги

Дарғалари
бисотидаан

РАИСНИ ...

ГҲШТГА ТОПШИРДИ

Ҳожибой бир таниш колхоз раисини марказда учратиб қилибди. Ҳалдан зиёд семиз, бесўнақай

бу одам пишиллаб, пешонасидан тер

қуйилиб турганмиш. Ёнида колхоз кассири ҳам бор экан.

— Раис ака, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? — сўради Ҳожибой.

— Эй-й, нимасини айтмай... елпиниб жавоб берди раис.

— Ўзинг биласан-ку, қачонлардан бери гўшт пилонини бажаролмаймиш. Шунга... беш-ўн мошин раис ортиб келувдик. Бу ерда уни гўштга овуштирдик.

— Ие, раис деганингиз нимаси?

— Шуниям билмайсанми, лодон? Бу ахир мол сийдиган зўр ўт-ку!

— Энди нима қилиб турибсизлар?

— Кўп эзмаландинг-да, масхара. Идорага тилиграм жўнатмоқчимиз. Иш битди, уч-тўрт кун айланиб қайтамиз, хавотир олманглар, деган мазмунда. Кел, яхши-си, шу тилиграмни ўзинг мондалаб жўнатиб бер.

Ушанда Ҳожибойнинг тилигроми колхозга шундай етиб борибди:

"Раисни гўштга топширдик, план тўлайдиган бўлди".

Қарангки, "раис" сўзидаги битта ҳарф алмашиб қолган экан.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёкубжон ХҲЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2539.
7021 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босмабаб.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00